

8-март Хотин-қизлар кунини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида МАЪЛУМОТ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 февралдаги 85-Ф-сонли фармойиши ҳамда Халқ таълими вазирлигининг 2015 йил 24 февралдаги 46-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида “Баркамол авлод” Республика болалар бадиий ижодиёт маркази томонидан жорий йилнинг 26 февраль куни “Марказда 8 Март – Хотин-қизлар кунини кенг нишонлаш тўғрисида”ги 9-сонли буйруғи ишлаб чиқилди ва ушбу буйруқ асосида таркиби 7 кишидан иборат ишчи гуруҳи ҳамда чоратадбирлар режаси тасдиқланди.

Мазкур буйруқ асосида 8 Март – Хотин-қизлар байрами муносабати билан “Аёл борки олам мунаввар” шиори остида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, жорий йилнинг 3 март куни марказ фоесида “Ёш мусаввир” тўғараги аъзолари томонидан аёлларни улуғловчи деворий газета тайёрланди.



Шу билан бир қаторда, 2015 йил 6 март куни марказ Маънавият ва маърифат хонасида байрам муносабати билан тадбир ташкил этилди. Тадбирга марказда фаолият юритаётган хотин қизлар таклиф этилдилар. Тадбир давомида марказ эркак ходимлари томонидан тайёрланган байрам дастури йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, байрам муносабати билан марказда ўзларининг педагогик маҳоратлари ва илғор иш тажрибалари билан бошқаларга ўрнатқ бўлаётган хотин-қизлар совғалар билан табрикландилар.

Марказ раҳбарияти бошчилигида ташкил этилган ушбу ишлардан ҳам кўришиб турибдики аёлларимиз ҳамиша эъзозда ва юксак эътибордадир.

ММОТТЭГ раҳбари

Л.Ҳошимов